Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 26 январь, № 17 (8360) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИМКОНИЯТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 25 январь куни камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади иш ўринларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартиришдир. Бу борадаги манзилли ишлар натижасида ўтган йилнинг ўзида камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушди. 1 миллион аҳоли касб-ҳунарга ўқитилиб, иш бошлашига кўмаклашилиб, камбағалликдан олиб чиқилди.

Шу даврда 200 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинди, 10 мингта корхонанинг фаолияти кенгайтирилди, 11 мингта корхона қуввати тикланди.

Лекин айрим ҳудудларда сусткашликлар ҳам бор. Масалан, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида камбағалликни қисқартириш кўрсаткичи нисбатан ортда қолган. Бир қатор туман ва шаҳарларда бандлик дастури имкониятлар даражасида белгиланмаган.

Шу боис йиғилишда бандликни таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йилги режалар муҳокама қилинди.

— Камбағалликни қисқартиришнинг асосий омили бу — аҳолини даромадли иш билан таъминлаш. Шунинг учун маъмурий ислоҳотлар доирасида камбағалликни қисқартиришга масъул 5 та идора яхлит тизимга айлантирилди. Янги вазирликка барча ташкилий ва молиявий имкониятлар берилди. Энди меҳнат ресурслари ва ишсизлик ҳисобини юритиш ҳам, бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни маҳаллабай ривожлантириш ҳам битта вазирликда бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга 2023 йилги бандлик дастурини туманлар кесимида пухта ишлаб чиқиб, тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бунда эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, оилавий тадбиркорликка янада туртки бериш мақсадида молиявий кўмак кўлами кенгайтирилиши таъкидланди. 2022 йилда бу мақсадга қарийб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилган эди. Жорий йилда оилавий тадбиркорлик дастури учун 12 триллион сўм йўналтирилади. Бундай кредитларнинг энг юқори миқдори ҳам оширилади.

Бандликни таъминлашда яна бир катта манба бу — зироатчилик. Икки йил ичида аҳолига 200 минг гектардан зиёд ер бўлиб берилмоқда. Бу — Самарқанд вилоятининг жами пахта ва ғалла майдонидан ҳам кўп дегани.

Лекин айрим жойларда бу ишлар палапартиш ташкил қилиняпти, экинлар плантация усулида экилмаяпти. Шу боис Президентимиз ерларни аҳолига қулай жойлардан ажратиш, уларда бозорбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича кўрсатмалар берди. Бу ерлардан самарали фойдаланиб, 1 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлиги қайд этилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари парламент ва халқимизга Мурожаатномасида туман ва шаҳарлар иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилишини айтган эди.

Йиғилишда 4 ва 5-тоифаларга кирган туманларда камбағалликни қисқартириш ишлари ҳам янгича ташкил қилиниши белгиланди. Унга кўра биринчи босқичда “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” ягона тизимга бирлаштирилиб, ҳар бир оиланинг ягона рақамли паспорти ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда уларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастурлар тузилади. Учинчи босқичда оила учун касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик лойиҳалари амалга оширилади.

Шунингдек, маҳаллаларда 300 та микромарказ ташкил этиш бошланди. Президентимиз бундай марказларни кўпайтириб, ишсиз аҳолининг ҳунармандлик ва тадбиркорлик билан шуғулланишига шароит яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига Савдо-саноат палатаси билан бирга туманларнинг ҳар бири бўйича тадбиркорликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳокимлари ҳудудлардаги имконият ва тажрибалар юзасидан ахборот берди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ДОИР БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил қилишга йўналтирилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни белгилаш мақсадида:

1. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар (кейинги ўринларда — вазирлик ва идоралар) ҳамда улар ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган жами **бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар тизимида жами **17 447 та** штат бирликлари **қисқартирилаётганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан **қўшимча** бошқарув штат бирликларини киритиш **қатъиян тақиқлансин**.

2. **Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг ягона рўйхати ҳамда уларнинг тўлиқ (расмий) ва қисқартма номлари** 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–3358-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари **уч ҳафта муддат**да ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятини **мутлақо янги тизим асосида ташкиллаштиришни** назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати лойиҳасини киритсин**. Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин:

вазирлик ва идораларнинг аниқ **асосий фаолият йўналишларини** белгилаш, қабул қилинган **ривожлантириш дастурлари, стратегиялар** ва **концепцияларни** амалга ошириш;

соҳаларда ҳал қилиниши лозим бўлган **масалаларга ечим** топишга йўналтирилган **ташкилий-ҳуқуқий** ва **молиявий** чора-тадбирлар, **аҳоли** учун **қулай шароитлар** яратиш, фуқароларнинг **тизимли муаммоларини** ҳал этиш;

бюджет маблағларидан **мақсадли ва оқилона фойдаланиш**, давлат харидлари **шаффофлигини ошириш**, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун тенг имкониятлар яратиш орқали давлат харидлари жараёнида **рақобатни** ривожлантириш;

энергияни тежаш, унинг самарадорлигини ошириш ва соҳага **қайта тикланувчи энергия манбаларини** кенг жалб қилиш;

тегишли соҳаларда **давлат-хусусий шериклик** ва **аутсорсинг** механизмларини кенг жорий қилиш, 2023 йилдан бошлаб вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизим ташкилотларининг айрим функцияларини босқичма-босқич **хусусий секторга ўтказиш**;

лицензиялаш ва **рухсат бериш** тартиб-таомилларидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича **таклифлар тайёрлаш**. Бунда, лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат талаб этиладиган фаолият тури, уларни бериш учун талаб этиладиган ҳужжатлар сони, хизмат кўрсатиш вақти ҳамда уларни бериш учун тўловлар (йиғимлар) **миқдорини камайтириш**;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (уларга хизмат кўрсатиш, давлат томонидан субсидия тақдим этиш, имтиёз бериш ва бошқача тартибда қўллаб-қувватлаш) ҳамда **аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш**;

(Давоми 2-бетда).

Учрашув

МИЛЛИЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ПАРЛАМЕНТ РОЛИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҚДА?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ихтиёрий миллий ҳисоботни тайёрлаш доирасида тажриба алмашиш дастури (Twinning) бўйича Мўғулистон ва Тожикистон вакилларининг Парламент комиссияси аъзолари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси аъзоси Борий Алихонов, Ихтиёрий миллий ҳисоботни тайёрлаш доирасида тажриба алмашиш дастури (Twinning) координатори Кейтлин Портер, Мўғулистон Халқ Республикаси, Тожикистон Республикаси, БМТ, Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) вакиллари иштирок этди.

Учрашувда барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларни 2030 йилгача бўлган даврда амалга ошириш, бу борада Ихтиёрий миллий ҳисоботни тайёрлаш ҳамда Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига (МБРМ) эришишда парламентлар роли атрофлича муҳокама қилинди.

2

Парламент комиссиясида

САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида парламент комиссиясининг олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов “Аввал инсон, кейин жамият ва давлат” деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдириш, бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш ва натижадорлигини кучайтириш борасида комиссия бир неча мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб белгилаб олиши лозимлигини қайд этди. Шунингдек, барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришишни жадаллаштиришда парламентнинг ролини кучайтиришга алоҳида урғу берди.

Жумладан, парламент фаолиятида, раҳбарлик лавозимларига тайинлашда, барча даражадаги муҳим қарорларни қабул қилишда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида иштирокини таъминлаш, COVID-19 пандемияси одамлар саломатлиги, хавфсизлигига ва фаровонлиги даражасига ҳамда инсонларнинг ҳаёти, тирикчилик қилиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатаётганини инобатга олиб, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини тўлиқ амалга оширишни тезлаштириш учун барқарор ва кенг қамровли тикланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришиш бўйича саъй-ҳаракатлар самарадорлигини кўтариш каби йўналишлар комиссия фаолиятида муҳим, деб топилди.

2

Биз ва жаҳон

КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Шу йилнинг 24 январь куни Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг (ИҲТ ТИВК) йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг 2022 йилда мазкур тузилмадаги раислигига якун ясалди.

Тадбирда Озарбайжон ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов, Эрон ташқи ишлар вазири Ҳусайн Амир Абдуллахиён, Қозоғистон Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев, Покистон ташқи ишлар вазири Билавал Бҳутто-Зардарий, Тожикистон ташқи ишлар вазири Муҳриддин Сирожиддин, Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, Туркия ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов, шунингдек, ИҲТ Бош котиби Хуснав Нозирий, Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев ҳамда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш Бош котиби Қайрат Сарибай иштирок этди.

Йиғилиш кун тартибидан аъзо мамлакатлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қатор масалалар ўрин олди.

Вазирлар Ўзбекистоннинг ташкилотга раислигидаги муваффақиятли натижаларини мамнуният билан қайд этди. Жумладан, Ўзбекистон томонидан ушбу тузилмага раислик давомида савдо, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, туризм, парламентаризм, минтақавий ўзаро ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган қатор муҳим тадбирлар ўтказилди.

Мазкур тадбирлар натижалари, умуман, Ўзбекистоннинг раислиги даврида ҳамда ташкилот доирасидаги саъй-ҳаракатлари ИҲТ маконида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш жараёнларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

2

Эксклюзив интервью

Элчи Хуршид МИРЗОҲИДОВ:

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи арафасида “Дунё” АА мухбири Ўзбекистоннинг ушбу давлатдаги элчиси Хуршид Мирзоҳидов билан икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

3-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

КЎЗДАЙ ЯҚИН, ЖОНДАЙ АЗИЗ РИШТАЛАР

“Ўзбек халқининг тақдирини ўз тақдиримдан ажратиб қарай олмайман”, деган эди машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов. Ҳақиқатан ҳам, эт билан тирноқни ажратиб бўлмайди. Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган бу икки халқнинг тили, дини, турмуш тарзи бир-бирига уйғун, ҳамоҳанг. Ана шу муштараклик боис бугун ҳам Ўзбекистонда қирғизлар, Қирғизистонда ўзбеклар аҳил-иноқ умргузаронлик қилиб келади.

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги, асосан, қирғиз миллатига мансуб аҳоли яшайдиган Манас қишлоғига қилган ижодий сафаримиз давомида бунга яна бир бор амин бўлдик.



Қайта чирой очган қишлоқ

Катта ўзбек трактининг Жиззах вилояти бошланадиган чегарада жойлашган “Манас” йўл-патруль хизмати масканидан ўтиб, каттакатта ҳарфлар билан “Дўстлик тумани “Манас” МФЙ” деб ёзиб қўйилган арка ёнида машинадан тушиб қолдик. Олдиндан келишганимиздек вилоят мухбиримиз Толибжон Эргашев кўп куттирмасдан етиб келди. Куёш порлаб турганига қарамай ҳаво совуқ, 9-10 даража атрофида. Лекин бу бир ҳафта — ўн кун бурунги икки баравар қаттиқ бўлган совуқ ҳароратдан анча ёқимли, чидаса бўлади. Қуюқ туман тушиши натижасида дарахтларни оппоқ қиров қоплаб, эртакнамо чиройли манзара касб этган. Бу йил ёққан қор вилоятнинг баъзи жойларида 60 сантиметргача етди. Бунинг яхши томони — кўп зарарли ҳашаротлар қирилиб кетиши боис қишлоқ хўжалиги экинларининг унумдорлиги ошади.

3

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 26 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ДОИР БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

соҳани ривожлантириш дастурлари учун жалб қилинадиган **грант** ва **техник кўмак маблағларининг** прогнози ҳамда унинг аниқ йўналишларини белгилаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш **гуруҳлари фаолиятини** қайта кўриб чиқиш;

вазирлик ва идоралар тизимидаги давлат унитар корхоналари (муассасалари), масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда давлат улуши бўйича акциялар пакети бошқарувига берилган хўжалик юритувчи **субъектларнинг фаолиятини** қайта кўриб чиқиш, шунингдек, улардаги давлат улушини **хусусийлаштириш** бўйича таклиф тайёрлаш;

вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан назорат функцияларини **“хавфни таҳлил этиш”** тизими натижалари асосида амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, уларни **мувофиқлаштириш** ва **назорат функцияларини мақбуллаштириш**;

вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига **давлат хизматлари** кўрсатишнинг **моделини такомиллаштириш**;

вазирлик ва идораларда ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотлар кесимида **коррупция авж олган соҳаларда** унинг ривожланиш сабаблари ва шартларини ўрганиш асосида ушбу соҳаларнинг ҳар бирига “ташхис қўйиш” ҳамда коррупция омилларини бартараф этиш;

соҳага **ахборот-коммуникация технологияларини** кенг жорий этиш, шу жумладан, вазирлик ва идораларнинг иш жараёнини **рақамлаштириш**;

соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг **касбий маҳорати** ва **масъулиятини** ошириш, тизим ташкилотларига ташаббускор, фидойи, садоқатли, ўз устида доимий ишлайдиган **кадрларни жалб қилиш** ҳамда уларнинг **салоҳиятини доимий равишда ошириб бориш**;

вазирлик ва идораларнинг **ташкилий тузилмаларини тасдиқлаш**, улар таркибига киритилган муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштириш;

қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир-бирига мувофиқлаштириш**.

4. **Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда таркибий бўлинмаларни шакллантириш ҳамда лавозимларни жорий этишга оид ягона талаблар** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари штатлар жадвалларини ишлаб чиқиш ва рўйхатдан ўтказишда мазкур Фармон билан тасдиқланаётган ягона талабларга **қатъий амал қилсин**.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (**Ш.Кудбиев**) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (**Б.Мусаев**) билан биргаликда **уч ой муддат**да вазирлик ва идораларга юклатилган вазифаларни хатловдан ўтказиш ҳамда **ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимларни киритиш бўйича штат нормативларини** тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари белгиланган вазифаларининг бажарилишини ҳамда давлат хизматлари кўрсатилишининг **узлуксизлигини** таъминлаш мақсадида **уч кун муддат**да ўз раҳбарлари ўринбосарлари ўртасида **аниқ вазифалар** ва **функцияларни** тақсимлаб, улар фаолиятини самарали ташкил қилсин, шунингдек, ажратилган маблағлар доирасида вазирлик ва идораларнинг **марказий аппарати,** ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг **вақтинчалик тузилмаларини, штат бирликларини** ҳамда **низомларини тасдиқласин**. Бунда:

қайта ташкил этилган, бўйсунуви ўзгартирилган ва тугатилган давлат бошқаруви органларининг **тузилмаси** ва **штат бирликлари** инобатга олинсин;

иш ҳақи ва бошқа харажатлар **вақтинчалик харажатлар сметаси** доирасида амалга оширилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига вазирлик ва идораларда штат бирликлари мақбуллаштирилиши натижасида ходимлар билан ойлик иш ҳақлари бўйича якуний ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг вақтинчалик харажатлар сметасида, истисно тариқасида, зарур маблағларни **2023 йилнинг 1-чораги учун режалаштиришга рухсат берилсин**.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (**Ш.Кудбиев**) **вазирлик ва идоралар** раҳбарлари томонидан тасдиқланган штат бирликлари доирасида иш ҳақи ва бошқа харажатлар учун белгиланган тартибда **маблағ ажратилишини таъминласин**.

6. **Ўзбекистон Республикаси Президенти** ҳамда **Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари** билан тасдиқланган вазирлик ва идораларнинг марказий аппаратлари, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг **тузилмалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин**.

7. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (**Б.Мусаев**) маъмурий ислоҳотлар доирасида янги ташкил этилган вазирлик ва идораларга **штатлар жадвалини тузиш, ходимларни ишга қабул қилиш, меҳнат муносабатларини давом эттириш** ва **бекор қилиш**ни расмийлаштириш бўйича тушунтириш ишларини, шунингдек, **меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилиши устидан назоратни** амалга оширсин.

Белгиланснки, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда янги раҳбарият шакллангунга қадар ходимларни ишга қабул қилиш ва меҳнат муносабатларини расмийлаштириш ишлари мазкур идоларда амалда фаолият юритаётган **раҳбарлар** (раҳбарлар мавжуд бўлмаса уларнинг ўринбосаридан бири) **томонидан амалга оширилади**.

8. Белгилаб қўйилсинки:

янги ташкил қилинган ва қайта ташкил қилинган вазирлик ва идоралар фаолияти тугатилган ёки қайта ташкил қилинган вазирлик ва идораларнинг тегишли **ҳуқуқ ва мажбуриятлари** бўйича **ҳуқуқий вориси ҳисобланади**;

2023 йил 1 январдан бошлаб қайта ташкил этилган ва фаолияти тугатилган давлат органларининг иш юритувида бўлган лицензиялаш, рухсат бериш, хабардор қилиш ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги **ҳужжатлар** ва **аризалар тегишлилиги** бўйича янги ташкил этилган ҳамда тугатилаётган ташкилотнинг тегишли функциялари ўтказилган **вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилади**;

давлат унитар корхоналарида ходимлар **сони**, уларнинг **меҳнатига ҳақ тўлаш** ва **рағбатлантириш шартлари** ҳамда **хизмат автотранспорт** воситаларининг чекланган сони ва турларини тасдиқлашда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан **мажбурий равишда** келишилади.

Адлия вазирлиги (**А.Ташкулов**) Рақамли технологиялар вазирлиги (**Ш.Шерматов**) билан биргаликда **уч кун муддат**да:

барча янги ташкил этилган вазирлик ва идоралар **Ягона интерактив давлат хизматлари порталига** ва **“Лицензия”** ахборот тизимига уланишини;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “Лицензия” ахборот тизими орқали келиб тушган ва кўриб чиқиш жараёнида бўлган ҳужжатлар ва аризаларнинг тегишлилиги бўйича янги ташкил этилган вазирлик ва идоралар орасида **қайта тақсимланишини таъминласин**.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (**Ш.Кудбиев**) **уч ой муддат**да:

юридик мақомга эга бўлган жамғармалар ижро этувчи органларининг (дирекциялар, бошқарув қўмиталари ва департаментлари ҳамда бошқалар) фаолиятини **тугатиш**, уларнинг **функцияларини тегишли вазирлик ва идораларга ўтказиш**;

вазирлик ва идораларда **хизмат автотранспорт воситаларидан** фойдаланиш тизимини илғор тажриба асосида танқидий таҳлил қилган ҳолда уларнинг сонини ва сақлаш харажатларини қисқартириш, мазкур вазифани **аутсорсинг тизими асосида ташкил этиш** юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Адлия вазирлиги (**А.Ташкулов**) вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддат**да қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига **тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини** киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 25 январь

КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

1

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг таклифи билан 2022 йил ИҲТ минтақасида “Ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилингани юксак баҳоланди. Ўзбекистон ташаббуси ташкилот аъзоларининг транспорт-коммуникация соҳасида қўшма салоҳиятдан самарали фойдаланиш, “яшил” ривожланишни таъминлаш ва туризм алмашувини йўлга қўйиш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилгани қайд этилди.

2021 йилнинг ноябрь ойида Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган ИҲТнинг 15-саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббус ва таклифлар ташкилотга аъзо давлатлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон раислиги даврида ИҲТ Минтақавий режалаштириш кенгашининг йиғилиши, ИҲТнинг транспорт бўйича 11-вазирлар йиғилиши, Қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича ИҲТ экспертлар гуруҳининг 4-йиғилиши, ИҲТ Парламент ассамблеясининг 3-конференцияси, Иқтисодий ҳамкорликни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш бўйича анжуман, ИҲТ қишлоқ хўжалиги вазирларининг 7-йиғилиши, ИҲТ туризм вазирларининг 4-йиғилиши, бошқа тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Исломобод — Теҳрон — Истанбул автомобиль йўлаги тўлиқ фойдаланишга топширилди ва тартибга келтирилди, География ахборот тизими лойиҳаси амалга оширилди, ТИР кафолатлари ассоциацияси маслаҳат гуруҳи (ECO — TIRACG) яратилди, Қозоғистон — Туркманистон — Эрон йўлаги учун бошқарув механизми, иккита муҳим янги йўналиш — Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон ва Тожикистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия йўлаклари ташкил этилди, ИҲТ денгиз марказлари тармоғи, Фуқаролик авиацияси бўйича юқори даражадаги ишчи гуруҳи, ИҲТ минтақасининг Шарқий қисмида ҳаво хабини яратиш концепциясини ишлаб чиқишга киришилди.

ИҲТнинг ўтган йил давомида эришган муваффақиятларини юқори баҳолар экан ИҲТ Бош котиби Хусрав Нозирий қуйидагиларни таъкидлади: “ИҲТ Ўзбекистон раислигида кўзланган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида юксак натижаларга эришганини қайд этмоқчиман. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2022 йил ИҲТ минтақасида “Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди. Бу ташаббус нафақат таъсирчан, балки муваффақиятли бўлди”. Бош котибнинг сўзларига кўра ушбу форумда эришилган конструктив натижалар минтақани янада юксалтириш ва ривожлантириш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Йиғилишда транспорт йўналишлари самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш борасидаги ишлар натижалари, шунингдек, янги йўлакларни яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, Эрон ташқи ишлар вазири Ҳусайн Амир Абдуллахиён бу борада шундай деди: “ИҲТ минтақасининг ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан аҳамиятини инкор этиб бўлмайди ва сўнгги глобал воқеалар бу аҳамиятни икки баравар оширди. Алоқа ва транспорт яқин йилларда минтақанинг иқтисодий салоҳиятини яқинлаштириш, янада ривожлантириш ва юксалтиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир. ИҲТнинг ўзи минтақа сифатида Шарқий ва Жанубий Осиё, Шимолий ва Шарқий Европа ҳамда Форс кўрфазининг Жанубига туташ ҳудудларни боғлайдиган транзит йўл ҳисобланади. Энг муҳими, ИҲТ денгизга чиқиш имкони бўлмаган еттита мамлакат ва учта транзит давлат ўртасида транзит шериклик ва ҳамкорлик учун тегишли асос яратади. Бу ерда мақсад барча аъзо давлатларнинг умумий ривожланишини қўллаб-қувватлашдир. Эрон бу борадаги ҳиссасини янада кенгайтиришга тайёр”.

Учрашув давомида вазирлар юзага келаётган янги минтақавий ва глобал тенденцияларга мувофиқ ИҲТни ўзгартириш муҳимлигини таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти ИҲТ саммитларида катта минтақавий интеграцияни таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали ташкилотнинг ривожлантириш дастурини бойитиш бўйича бир неча ташаббусларни илгари сургани қайд этилди.

“Биз ИҲТни янада самарали ва сезиларли ташкилотга айлантириш учун 2023 йили саъй-ҳаракатларимизни сафарбар этмоғимиз лозим, — деди Туркия ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли. — Биз вазирлар ўринбосарлари учрашувларини доимий фаолият кўрсатадиган Юқори даражадаги қўмитага айлантирамиз”.

Озарбайжон ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов 2022 йил август ойида Тошкентда ташқи ишлар вазирлари, транспорт ва иқтисодиёт вазирларининг янги уч томонлама “Озарбайжон — Туркия — Ўзбекистон” форматидаги биринчи йиғилиши бўлиб ўтганига эътибор қаратди. “Биз ишонамизки, ҳамкорликнинг барча форматлари ИҲТ минтақасида транспорт алоқаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаймиз, — деди вазир. — Улар мамлакатларимизнинг тинчлик, хавфсизлик ва фаровонлик соҳасидаги умумий манфаатларини назарда тутади”.

Қирғизистон ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаевнинг фикр билдиришича, “минтақада иқтисодий ҳамкорликни барқарор ривожлантириш учун ИҲТнинг бошқа минтақавий иқтисодий бирлашмалар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар билан алоқаларининг фаоллашуви муҳим аҳамият касб этади”.

Учрашув иштирокчилари Афғонистонга алоҳида эътибор қаратди. Ушбу мамлакатнинг ташкилотдаги муҳим аъзо сифатидаги аҳамияти таъкидланди. Иштирокчилар афғон халқига умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш, Афғонистон билан ҳамкорликда минтақавий аҳамиятга молик йирик савдо, транспорт ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлиги ҳақида фикр билдирди.

“Шуниси аёнки, Афғонистон халқаро ҳамжамиятнинг янада қўллаб-қувватлашига муҳтождир, — деди Қозоғистон Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди. — Биз мамлакатнинг амалдаги раҳбарияти билан гуманитар ва иқтисодий жабҳаларда ҳамкорликни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблаймиз”.

Шунингдек, йиғилишда ИҲТ улкан салоҳиятга эга эканлиги, улардан самарали фойдаланиш иштирокчи мамлакатларга иқтисодий ўсиш ва камбағалликни камайтиришга имкон бериши таъкидланди.

Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, хусусан, “Мамлакатларимиз бой ва ранг-баранг табиий ресурсларга, кучли саноат ва технологик салоҳиятга, яқин географик яқинликка эга. Ушбу омиллар ва афзалликларни ҳисобга олган ҳолда, “интеграция коридорлари” деб аталадиган нарсаларни шакллантиришга қаратилган ўзаро боғланган ишлаб чиқариш линияларини яратиш долзарб ҳисобланади”, деб таъкидлади.

Вазир шу маънода кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор қаратиб, “ҳар биридан ўзига хос тарзда ишлаб чиқаришни ривожлантириш манфаатлари йўлида мақсадли фойдаланиш мумкин бўлган ихтисослаштирилган бизнес платформаларини яратиш ғоясини кўриб чиқишни таклиф қилди.

“Минтақадаги энергетика хавфсизлиги ва барқарорлигини ошириш ИҲТнинг стратегик мақсадларидан бири эканини ёдда тутган ҳолда биз электр энергияси бозорини ривожлантириш, тоза ва барқарор энергия манбаларига ўтиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришимиз керак, — деди Тожикистон ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин. — Ушбу стратегия қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ҳисса қўшиши мумкин”.

Покистон ташқи ишлар вазири Билавал Бхутто-Зардарий Ўзбекистоннинг ИҲТ доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Юқори даражадаги мулоқот платформасини ташкил этиш таклифини олқишлади. “Биз барчамизга таалluқли бўлган муаммони ҳал қилишда жамоавий ёндашувни ўз вақтида ва узоқни кўзлаган қарор деб биламиз, — деди вазир. — Иқтисодиётининг аксарият қисми табиий шароитларга бевосита боғлиқ бўлган ва иқлим ўзгариши оқибатларидан энг кўп таъсир кўрган минтақамиз. Шу боис иқлим соҳасидаги ҳамкорлик масаласи жуда муҳимдир. Келажакда бундай инқирозларга қарши туриш учун минтақада тезкор жавоб берадиган, яхши молиялаштирилган ва стратегик жиҳатдан асосланган фавқулодда чоралар механизмини ишлаб чиқишимиз керак. Мен ташкилотга аъзо давлатларни бу йўналишда бирлашишга ва кеч бўлмасдан ҳозироқ ҳаракат қилишга чақираман”.

Йиғилишнинг якуний ҳужжати сифатида Тошкент коммюникеси қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилишида эришилган келишувлар муҳрланди.

Хусусан, иштирокчилар яқинда ташкил этилган Юқори даражадаги қўмита доирасида ИҲТ минтақасидаги ҳамкорлик истиқболлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун мунтазам йиғилишлар ўтказиш, ИҲТнинг Табиий офатлар хавфини бошқариш бўйича минтақавий маркази устави, Котибиятнинг транспорт алоқасини, жумладан, Транскаспий йўлакларини мустаҳкамлаш, энергетика хавфсизлиги ва барқарор энергия бўйича минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш, ИҲТ тоза энергия маркази доирасида, халқаро эколог олимлар ва экспертлар иштирокида юқори даражадаги доимий Мулоқот кенгашини тузиш, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида алоқаларни янада рағбатлантириш масалаларини келишиб олди.

Тошкентда бўлиб ўтган вазирлар йиғилиши иштирокчилари мазкур анжуман якунлари ИҲТга аъзо давлатларнинг дўст халқлар манфаати йўлида аниқ натижаларга эришишга интилишлари муштараклигини яна бир бор намоён этди, деган якдил фикр билдирди.

«Дунё» АА.

МИЛЛИЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ПАРЛАМЕНТ РОЛИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҚДА?

1

Хусусан, Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

Қайд этилганидек, Парламент комиссияси томонидан сўнгги икки йилда 11 та миллий мақсад ва 51 та вазифа доирасида жойларда олиб борилаётган ишлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳолати танқидий ўрганилиб, 28 та вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилган.

БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши бошчилигида ўтказилган олий даражадаги сиёсий форумда мамлакатимиз илк маротаба Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга доир Ихтиёрий миллий ҳисоботни тақдим этган. 2023 йилда эса Ўзбекистоннинг иккинчи Ихтиёрий миллий ҳисоботини тақдим этиш борасида қизғин ишлар олиб борилмоқда.

Тадбирда 2020 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” резолюция қабул қилиш таклифи илгари сурилгани ҳамда ушбу резолюция 2022 йил 14 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 77-сессиясида қабул қилинганига ҳам алоҳида урғу берилди.

Ўз навбатида, мулоқот давомида барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича Ўзбекистон тажрибаси бутун дунёга намуна бўлаётгани, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришишда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги делегация аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

«Халқ сўзи».

САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

1

Таъкидланганидек, мамлакатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессияси илгари сурган ғояларини ижро этиш мақсадида 2022 йил 5-6 декабрда Самарқанд шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” глобал форуми ўтказилди. Унда инсон ҳуқуқлари соҳасида янги Ўзбекистон сиёсатини кенг ёритиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Глобал форум сўнгида якуний ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари соҳасида Марказий Осиёда таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Глобал форумда 120 дан зиёд халқаро экспертлар, 2 мингдан ортиқ миллий ташкилотлар вакиллари қатнашди. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари йўналишида таълим бўйича адабиётлар кўргазмасида инсон ҳуқуқлари таълимига бағишланган 250 га яқин номдаги мингдан ортиқ китоб ва илмий журналлар намойиш этилди.

Мазкур форум ҳамда унинг якуни бўйича қабул қилинган ҳаракатлар режасининг аҳамияти шундаки, сифатли ва ривожланган таълим орқали ҳаётни, керак бўлса, дунёни ўзгартириш мумкин. Бу мақсад атрофида бирлашиш ва ўзаро тажриба алмашиш эса кўзланган маррага эришишни тезлаштиради. Комиссия аъзолари Самарқанд Глобал форумини ижобий баҳолашди.

Шу билан бирга, йиғилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг “2022 йилда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати тўғрисида”ги ахбороти ҳам тақдим этилди.

Таъкидланганидек, 2022 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 3 та миллий маърузаси БМТ шартномавий қўмиталарида эшитилди:

1. БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг Олтинчи миллий маърузаси;

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни бажариш бўйича Учинчи миллий маърузаси;

3. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши бўйича Бешинчи миллий маърузада илгари сурилган таклифлар кўпчилик овоз билан маъқулланди.

Бундан ташқари, 2022 йилда 95 та норматив ҳуқуқий-ҳужжат лойиҳаси инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилди. Миллий марказ томонидан халқаро мажбуриятларни бажаришда тўсқинлик

қилаётган масалалар ва уларни бартараф этиш бўйича берилган таклифлар комиссия аъзолари томонидан атрофлича муҳокамадан ўтказилди.

Йиғилишда, шунингдек, Парламент комиссиясининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот ҳам кўриб чиқилди.

Ахборотда келтирилганидек, Парламент комиссияси томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини янада мустаҳкамлаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича миллий ҳаракат режаларини (“йўл хариталари”) ўз вақтида ва сифатли бажариш, бу йўналишда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш борасида тизимли ишлар қилинди.

Парламент комиссияси томонидан давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг 13 марта ахборотлари эшитилди, қоларверса, битта халқаро форум, учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар ҳамда конференциялар ўтказилди.

Тадбирда жорий йилда Парламент комиссияси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Элчи Хуршид МИРЗОҲИДОВ:

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

— Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорликнинг замонавий ҳолати ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари ҳақида гапирар эканман, икки давлат ўртасидаги серқирра ришталарнинг мустаҳкам пойдевори ва асосий тамойилларини яратган умумий тарих, кўп асрлик ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик анъаналарини эслашни истар эдим.

Икки давлатнинг замонавий алоқалари қисқа давр ичида сезиларли даражада мустаҳкамланди ва кенгайди. Олий ва юқори даражалардаги, шу жумладан, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасидаги мунтазам учрашувлар икки томонлама ҳамкорликнинг юқори даражада эканлигининг яққол тасдиғи бўлиб хизмат қилмоқда.

Икки мамлакат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Садир Жапаровнинг 2021 йилдаги самарали учрашуви барча соҳадаги муносабатлар ривожида янги босқични бошлаб берганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Шунингдек, 2022 йили Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ишида иштироки доирасида Қирғизистонга, Қирғизистон Президентининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари доирасида Ўзбекистонга амалий ташрифлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари, мамлакатимиз делегацияларининг Қирғизистонга қатор юқори даражадаги ташрифлари ташкил этилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчиларининг сиёсий иродаси ҳамда икки томонлама ҳукуматлараро комиссиянинг машаққатли меҳнати самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги давлат чегарасини делимитация қилиш бўйича энг мураккаб масалалар ҳал этилди. Ва бу, таъкидлашни истардимки, бизнинг ўзаро муносабатларимиздаги жуда улкан натижалардир!

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланишида барқарор ўсиш кузатилмоқда. Сўнгги олти йил мобайнида ўзаро товар айланмаси ҳажми 7 баробардан кўп ўсди ва 2022 йили унинг ҳажми 1,26 миллиард долларга етди, саноат ва инвестиция кооперацияси соҳасидаги ҳамкорлик равнақ топмоқда.

— Бўлажак давлат ташрифидан нималар кутилмоқда ва икки давлат раҳбарлари томонидан ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш учун қандай устувор йўналишлар белгиланади?

— Ўзбекистон Президентининг ушбу давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни янада ривожлантириш учун улкан аҳамият касб этади. Буни ташриф давомида имзолаш учун тайёрланган ҳужжатлар тўплами ҳам тасдиқлайди.

Қирғизистонда автомобиль ва тижорат техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Қирғизистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Инвестициялар бўйича миллий агентлик ўртасидаги меморандум, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Қирғизистон Республикаси Иқтисодиёт ва савдо вазирлиги ўртасида саноатнинг устувор йўналишларини ривожлантириш тўғрисидаги меморандум, 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган, аниқ қўшма лойиҳаларни ўз ичига олган савдо-иқтисодий ҳамкорлик комплекс дастури, сиёсий, маданий-гуманитар соҳалардаги бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ўрин тутишини таъкидлаш лозим. Чегарадош вилоятлар, жумладан, Наманган ва Жалолобод, Андижон ва Ўш, Фарғона ва Боткен вилоятлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Қирғизистонга олий даражадаги ташриф арафасида, 26 январь куни Бишкек шаҳрида икки давлат вилоят ҳокимликлари раҳбарлари ва тадбиркорларини кенг жалб этган ҳолда бизнес форуми ўтказилади. Икки давлатнинг ваколатли давлат органлари ва тадбиркорлари 1,5 миллиард долларлик янги инвестиция шартномалари ва савдо шартномаларини имзолашга тайёрлаб қўйган.

Гидроэнергетика ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам жуда муҳим йўналиш ҳисобланади.

— Кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Қирғизистон аҳолиси, айниқса, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доиралар, фан ва маданият вакилларида қандай қизиқиш уйғотмоқда?

— Қардош Қирғизистонда кенг жамоатчилик, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва илмий доиралар вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни зўр қизиқиш билан кузатиб, ижобий муносабатда бўлмоқда. Мамлакатимиз янгиликлари энг оммабоп босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, блогерлар томонидан мунтазам равишда ёритиб борилмоқда.

Қирғизистон экспертлари кўпинча валюта курсларини унификация қилиш, валюта бозорини либераллаштириш, жорий амалиётлар учун конвертацияни таъминлаш, товарлар ва одамларнинг трансчегаравий ҳаракатидаги қатор маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, божхона тўловларини камайтириш, банк сектори ва пул муомаласини ислоҳ қилиш, солиқ соҳасидаги туб ўзгаришлар, қатор маъмурий чекловлар ва бизнес юритиш харажатларини қисқартиришдаги муваффақиятли натижаларни мунтазам қайд этади.

Маъмурий ислоҳотлар, аграр соҳадаги ўзгаришлар, давлат корхоналарини таркибий ўзгартириш ва хусусийлаштириш каби бошқа қатор муҳим йўналишларда ҳам қирғиз экспертлари, сиёсатчилари, иқтисодчилари ва ишбилармон доиралари вакиллари томонидан ижобий фикрлар билдирилмоқда.

— Ўзбекистон кейинги йилларда хорижлик сайёҳлар учун жозибадор йўналишга айланди. Мамлакатларимиз ўртасидаги бу борадаги ҳамкорлик истиқболлари қандай?

— Мамлакатларимиз ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Авваламбор, биз яқин қўшнилармиз, Ўзбекистонда кўплаб қирғизларнинг қариндош-уруғлари, дўстлари бор ва аксинча.

Оилавий мулоқотдан ташқари, Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий мероси ҳам катта қизиқиш уйғотади. Мамлакатимиз Марказий Осиёда туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан туризм инфратузилмаси тубдан янгиланиб, бу соҳага давлат томонидан кўмак берилаётгани Қирғизистон экспертлари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

Жаҳон илм-фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк инсонлар яшаб, ижод қилган қадимий шаҳарлар, меъморий обидалар билан танишиш истагида бўлган қирғизистонлик сайёҳлар сони ортмоқда. Мавжуд маълумотларга кўра, 2022 йилда Ўзбекистонга Қирғизистондан 1 миллион 300 минг нафардан ортиқ, ўз навбатида, Қирғизистонга қарийб 2,5 миллон нафар фуқаролар ташриф буюрган. Қулай жуғрофий жойлашув, тўғридан-тўғри ҳаво ва автобус қатновларининг мавжудлиги мамлакатларимиз ўртасида туризмни ривожлантириш учун жуда қулай шароит яратмоқда.

КЎЗДАЙ ЯҚИН, ЖОНДАЙ АЗИЗ РИШТАЛАР

1

“Манас” маҳалла фуқаролар йиғини биносига етиб келганимизда раис Жалил Кенжаев ва профилактика катта нозири, майор Тоҳир Аҳмедов бир юмуш сабаб чиқиб кетишаётган экан. Мақсадимизни эшитиб, бизни хонасига бошлади.

— Ўзбекистонда кўп сонли этник қирғизлар яшаб меҳнат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли. — “Манас” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам 6,5 мингдан зиёд қирғиз миллатига мансуб аҳоли яшайди. Ҳар бирининг Қирғизистон билан азалдан борди-келдиси бор, қиз олиб, қиз узатади, ўғил уйлантиради. Истиқлол йилларининг илк чорак асрида ана шу борди-келдилар узилиб қолди, қариндошлар бир-биридан мосуво бўлди, тўй-маъракасида қатнашолмади. Худога шукрки, кейинги 5-6 йил ичида вазият бутунлай яхши томонга ўзгарди. Ҳозир йўллар очиқ, чегаралларда тўсиқ йўқ. Аҳоли Қирғизистонга хоҳлаган пайтда бориб, хоҳлаган пайтда келишига барча шарт-шароит яратиб қўйилди. Жиззах — Бишкек йўналиши бўйича ҳар куни иккита автобус қатнови йўлга қўйилган, халқимиз бундан хурсанд. Менинг бир фарзандим ҳам Бишкек шаҳрида яшайди. Яқинда бориб, невараларни кўриб келдим.

Ўзингиз биласиз, ўтган асрнинг 60-йилларида вилоятнинг энг чекка ҳудудида барпо этилган Манас қишлоғида инфратузилма иншоотлари, кўча ва йўллар, ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, маданий-маиший хизмат кўрсатиш талабга жавоб бермаслиги оқибатида одамлар анча қийналаётган эди.

Президентимиз ташаббуси билан Манас қишлоғининг биринчи бўлиб “Обод қишлоқ” дастурига киритилиши бу ерда узоқ йиллардан бери тўпланиб қолган муаммоларга ечим бўлди. Нисбатан қисқа муддатда — 45 кун ичида қишлоқда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. 34 та кўп қаватли уйнинг томи тўлиқ қайта ёпилди, режасиз қуриб ташланган кўримсиз бостирмалар бузиб ташланиб, уларнинг ўрнига янгидан ёрдамчи бинолар қурилди. Савдо ва маиший хизмат шохобчалари барпо этилди. Йўл четларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 6,5 километр узунликдаги сув қувури ётқизилди. 41 километр масофали коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. Шунингдек, аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида иккита тикувчилик цехи ишга туширилиб, 120 нафардан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Юракларга ёруғлик кирди

Ўтган асрнинг 60-йилларида саҳрою биёбонлардан иборат бўлган Мирзачўл ҳудудида пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида қумликларни шиддат билан ўзлаштириш бошланди. Яйдоқ кенгликларда посёлкалар, қишлоқлар, аҳоли учун зарур уй-жой массивлари қурилди, турли вилоятлардан маълум имтиёзлар асосида аҳоли кўчириб келиниб, уларга яшаш учун шарт-шароитлар яратилди. Минг машаққатлар билан сув келтирилди. Бинолар қурилди, замонавий иншоотлар, биринчи галда ижтимоий-маданий, маиший объектлар барпо этилди.

Қирғиз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган, ўша давр маҳсули бўлган Манас қишлоғида қурилган туражойлар ҳам йиллар давомида эскириб нураб борди. Ишсизлик, қора қозонни қайнатиш қийинлашганидан эркаклар иш излаб, узоқ ва яқин хорижга улоқиб кетди. Тирикчилик қийинлашди. Ачинарлиси, бу ҳақда юқорига қилинган мурожаатлар жавобсиз қолаверди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида 2018 йил март ойида қабул қилинган “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги Фармон ва қарор чекка ҳудудларда жойлашган қишлоқларга қайта ҳаёт бағишлади. Шу асосда Манас қишлоғида олиб борилган ишлар бу ерда узоқ йиллардан бери тўпланиб қолган муаммоларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Дастлаб, мавжуд ҳолат тўла-тўкис ва атрофлича ўрганилган ҳолда маҳаллий “Йўл харитаси” тузилди ва вазифалар белгиланди. Турли соҳа мутасаддиларидан иборат комиссия аъзолари қишлоқ хонадонларига бирма-бир кириб, мавжуд муаммоларни ўрганишди. Коммунал хизматлар, уй-жой, бандлик, маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликлар аниқланиб, амалий ишлар натижасида уларга ижобий ечим топилди. Энг муҳими, аҳоли қалбига қулоқ солиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш юракларга ёруғлик олиб кирди, эртанги кунга ишонч уйғотди.

Нураб бораётган икки қаватли уйлар қайтадан капитал таъмирдан чиқарилиб, уларнинг том қисми тўлиқ янгиланди. Ташқи қиёфаси кўркамлашди. Қишлоқ врачлик пункти ўрнида замонавий Оилавий поликлиника бунёд этилди. Ҳозир бу ерда аҳоли саломатлигини сақлаш, касалликларни профилактика қилиш бўйича тажрибали шифокорлар томонидан тизимли ишлар йўлга қўйилган. Иккита умумтаълим мактаби тўлиқ таъмирланиб, қайта жиҳозланди, 17 та болалар майдончаси, мини-футбол майдонлари, 250 ўринли стадион барпо этилди. Номи бору ўзи йўқ бўлиб кетган собиқ шўро тузуми даврида мавжуд бўлган “клуб” негизида янги Маданият саройи барпо этилди. Қишлоқдаги иккита мактабгача таълим ташкилотининг капитал таъмирланишидан болажонлар ва ота-оналарнинг боши осмонга етди.

Қишлоқда бошқа иш бўлмаганидан аҳолининг асосий қисми чорва моллари боқиш билан шуғулланади. Лекин икки қаватли уйларда истиқомат қиладиган аҳоли шароит йўқлиги боис чорва молларини боқишга қийналишарди. Уйларнинг атрофига ўргимчак тўридай ноқонуний, талабга жавоб бермайдиган молхоналар қуриб ташланган эди. “Обод қишлоқ” дастури доирасида маҳалла чеккасидан чорва моллари ҳамда ем-хашак сақланадиган бино қурилди.

“Манас” МФЙ ҳудудида илгари аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари деярли йўқ ёки бор бўлса ҳам бармоқ билан санарли эди. Ваҳоланки, кундалик ҳаётимизни хизмат кўрсатиш тармоқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай хизматларнинг йўлга қўйилиши, биринчидан, аҳоли бандлигини таъминлади, иккинчидан, шу ерда яшовчи фуқароларнинг оғирини енгил қилди.

— “Обод қишлоқ” дастури амалга оширилганидан кейин орадан икки-уч йил ўтиб, ижтимоий тармоқларда сифатсиз таъмирланган уйлар, бундан аҳолининг норозиликлари ҳақида турли хабарлар тарқалиб кетди. Бунга нима дейсиз? — деб сўрайман қишлоқ оқсоқолидан мавридини топиб.

— Энди, ижтимоий тармоқларда тарқатиладиган ҳар хил гап-сўзларга ишонавериш ҳам тўғри эмас, — дейди Жалил Кенжаев. — Биласиз, бизнинг халқимиз тиксўз, андиша қилиб ўтирмайди, ҳамма гапни шартта-шартта айтаверади. Шунинг учун биз ҳамма ишимизда шаффофлик бўлишини таъминлаймиз. Тўғри, баъзи бир сифатсиз қилинган ишларни инкор этиб бўлмайди. Лекин бундай хонадонларнинг ҳар бирига кириб, давлат ҳисобидан камчиликларини бартараф қилдик, уларга моддий ёрдам кўрсатдик.

Мана, бу йил қиш қаттиқ келди. Биз маҳалла фаоллари билан аҳоли совқотиб қолмаслиги учун барча чорани кўрдик. Уларга кўмир тарқатилди, доимий равишда суюлтирилган газ билан таъминланиши қаттиқ назоратга олинди. Буткул ёқилғисиз қолган ёки қаровчиси йўқ кишиларга навбат билан фаоллар назоратини ташкил қилиб, хонадонларини ўтин-кўмир билан иситиб беряпмиз.

Сўз ва амал бирлиги

“Манас” МФЙда бугунги кунда ободонлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини янгилаш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар, ҳақиқатан ҳам, бу ерда сўз ва амал бирлиги таъминланаётганидан далолат беради. Маҳалла хонадонларида, ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий муассасаларда аҳоли билан мулоқот қилганимизда, уларнинг юз-кўзидан, саволларимизга берган қатъий жавобларидан ҳаётдан розилиги яққол сезилди.

“Манас чеварлари” масъулияти чекланган жамияти тикувчилик цехи, савдо маркази, “Айчурек” мактабгача таълим ташкилоти, соғломлаштириш маркази мажмуасида яратилган шароитлар билан танишдик. Хусусий тадбиркор Исмат Жабборовнинг шахсий томорқасидаги ям-яшил экинлар барқ урган иссиқхонага, ўз бизнесини йўлга қўйган Раҳматулла Қораев, Абдуманнон Ойбошев хонадонига бориб, уларнинг мамнуният тўла дил сўзларига қулоқ тутдик. Қишлоқдаги ободлик одамлар ҳаёти, уларнинг туриш-турмуши, яшашга иштиёқида шундоқ акс этиб турибди. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган “Обод қишлоқ” дастури қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш билан бирга уларнинг дунёқарашини ўзгартирганига, янгича фикрлашга ўргатганига манасликлар ҳаёти мисолида амин бўлдик. Бу эзгу иш, аввало, одамларнинг келажакка, давлатимизга бўлган ишончини юксалтирмоқда.

Тўғри, ҳозирча юқоридан белгиланган жадвал асосида электр энергияси чеклови жорий қилинган, бу муаммо ҳам яқин кунларда бартараф этилади. Энди “Битта тирақи бузоқ бутун подани бузади”, деганларидек, шулардан ҳам норози бўлганлар, табиийки, топилиб туради. Бундайларга жавобим битта: қишлоғимизга келинг, шароитларни кўринг, ўрганинг, ана шунда ўзингиз хулоса чиқарасиз...

Ишли одам бировнинг қўлига қараб қолмайди

— Қишлоқда меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламларини иш билан таъминлаш, мактаб ва коллеж битирувчиларининг бандлигига эришиш йиллар давомидаги муаммога айланган эди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинидаги туман ҳокими ёрдамчиси Ғайрат Тўраев. — Бунинг устига, пандемия, қўшни давлатлардаги нотинчликлар туфайли хорижга кетган меҳнатга лаёқатли кишилар қишлоққа қайтиб келди.

Табиий, савол туғилади: хўш, бундай шароитда нима қилиш керак? Ҳозирги кунда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида бу муаммога ҳам ечим топилди. Хусусан, узоқ ва яқин хориждан қайтиб келган кишиларга, кам таъминланган оилаларга деҳқончилик қилиш учун 50 сотиҳдан ер ажратиб берилди. Интенсив узумчиликни ривожлантириш мақсадида ажратилган 10 гектар ер майдони 25 сотиҳдан “ёшлар дафтари”га киритилган 40 нафар йигит-қизга тақсимлаб берилди.

“Аёллар дафтари”га киритилган 103 нафар хотин-қизга 138 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди, “темир дафтар”га киритилган ночор оилаларга 36 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Туманда хусусий секторнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига хизмат қилаётир.

Хусусан, “Манас чеварлари” масъулияти чекланган жамияти, “Манас” нон цехи, сартарошлик, турли-туман ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз ва бу ўз самарасини беряпти. Одамлар барқарор даромад манбаига эга бўлмоқда. Шу тариқа уларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланмоқда, эл-юрт тақдирига дахлдорлиги ошяпти.

Шундан сўнг қишлоқнинг қайта реконструкция қилинган замонавий Маданият саройида тарғибот гуруҳи таркибидаги таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан қишлоқ аҳлининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Манасда “Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилиши бу ерда истиқомат қилаётган 6,5 мингдан зиёд аҳолининг ҳаётини яхшилаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратишда тарихий аҳамиятли воқеа бўлгани таъкидланди.

— Бундан ўн беш — йигирма йил аввал чекка бир туманнинг тангу тор кўчалари, пана-пастқам уйлари ўрнида мана шундай замонавий кўча ва хиёбонлар, улуғвор иморатлар қурилади, деса, биров ишонмасди, — дейди маҳалла профилактика катта нозири, милиция майори Тоҳир Аҳмедов. — Қарийб чорак асрдан буён Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаман. Бу ерда 15 йилдан буён ишлайман, хизмат уйи билан таъминлашди, оиламни ҳам кўчириб олиб келганман. Маҳалла аҳли билан қадрдондай бўлиб кетганмиз, тўй-маъракаларида бирга бўламиз. Ҳар бир хонадоннинг каттакичигини танийман, уларнинг нима иш билан шуғулланаётганидан хабардорман. Муқаддам судланган 25 нафар киши бор, улардан меҳнатга лаёқатлилари иш билан таъминланган. Профилактик ҳисобда турадиган 35 нафар фуқаронинг ҳолидан тез-тез хабар олиб, оиласи даврасида суҳбат ўтказиб турамиз.

Умуман олганда, ўтган йили ҳудудда 15 та жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилган бўлса, шулардан 14 таси ҳудудимизга кирадиган Катта ўзбек трактида содир этилган, маҳаллада битта эр-хотин жанжали қайд қилинган. Олиб борилган тушунтириш ишларидан кейин уларни ҳам яраштириб қўйдик.

Ёшлар таълим олишда пешқадам

Кун ярмидан оққанида Дўстлик тумани ҳокимлигига йўл олдик. Вужудидан ғайратшижоат ёғилиб турган туман ҳокими Шавкат Дарвишев шошиб турганига қарамай, биз билан икки оғиз суҳбатлашишга фурсат ажратди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туманимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда, — деди туман раҳбари. — Бу ерда 67 мингдан зиёд аҳоли бўлса, ўндан ошиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Ҳудога шукр, тинчликтотувликда яшашяпти, хонадонма-хонадон юриб, уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турибмиз, камчиликларни бартараф этяпмиз, ночорларга моддий ёрдам кўрсатяпмиз.

Бевосита “Манас” маҳалла фуқаролар йиғини хусусида тўхталсак, у марказдан 26 километр узоқликда жойлашган, аҳолиси зич маҳаллалардан ҳисобланади. Ҳудудда меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш мақсадида 300 ўринлик корхона қурилиши кетяпти, бу ерда ишлаб чиқариладиган трикотаж маҳсулотлари юз фоиз экспорт қилинади.

Маҳаллада мактабгача ёшдаги болаларнинг тарбия масканларига қамровини оширишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Давлат-хусусий шериклик асосида муассасалар, уй боғчалари ташкил қилиниши эвазига маҳаллада ушбу қамровни 90 фоизга етказдик. Бундай кўрсаткичга ҳали туманнинг бошқа маҳаллаларида эришилмаган. Лекин шунга ҳаракат қиляпмиз.

2022/2023 ўқув йилида умумтаълим мактабларини тамомлаган йигит-қизларнинг олий ўқув юртларига кириш қамрови бўйича Дўстлик тумани вилоят миқёсида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, таълимга бўлган эътибор туфайли “Манас” МФЙ ҳудуди бўйича ўқишга кирган ёшлар қамрови 60 фоизни ташкил қилди. Бу катта кўрсаткич. Президентимиз жадид боболаримизнинг сўзлари билан таъкидлаганидек, нажот — таълимда, нажот — билимда эканини улар амалда исботлашаётир. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда Дўстлик тумани намуна қилиб кўрсатилгани боиси ҳам шунда.

Ўқишга киролмаган ёшларни иш билан таъминлаш ҳам бизнинг вазифамиз. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 2022 йилда туманимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга астойдил аҳд қилган кишиларга кредитлар берилди. Шундан “Манас” МФЙда яшайдиган тадбиркорлар учун бир неча миллиард сўмлик кредит ажратилди. Ҳозир у ерда 200 нафардан ортиқ тадбиркорлар ўз бизнесини очган, одамларни иш билан таъминлаяпти, мавсумий ишларга жалб этяпти.

Туманимизнинг 18 минг гектарида пахта ва 14 минг гектарида ғалла зироатчилиги билан шуғулланилади. Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида энг унумдор ерлардан икки минг гектари 30 йиллик муддатга уларга ажратиб берилди. Нима экса-эксин, уларнинг хоҳиши, ишқилиб, қора қозони қайнасин, бой бўлсин — мақсад шу.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча эзгу ишлар замирида аввало, инсон манфаати мужассам. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Манасда ҳаётга татбиқ этилган “Обод қишлоқ” дастури бу ерда яшаётган аҳоли турмуш тарзини яхшилабгина қолмай, бугунги кунда республикамиздаги қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширишда “Манас намунаси” сифатида кенг ёйилмоқда.

Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг маданий ва гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Кейинги йилларда иккала давлатнинг туман ва вилоят раҳбарлари, санъаткорлар ҳамда маданият арбоблари даражасида ўнлаб борди-келди сафарлари уюштирилди.

Таълим соҳасида ҳам жиддий олға силжишлар бор. Қардош мамлакат Президенти Садир Жапаров давлат ташрифи билан юртимизга келганида қирғизистонлик ватандошларига Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқиш учун грант ўринлари ажратиш бўйича келишувга эришилган эди. Шу билан бирга, таълим ва фан соҳасидаги долзарб масалалар юзасидан икки томонлама музокаралар ўтказилиб, таълим ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича ҳукуматлараро битим тузиш учун ишчи гуруҳи тузилди. Таълим ҳақидаги ҳужжатларнинг ўзаро тан олиниши ёшларнинг қўшни давлатдаги ОТМ ва профессионал лицейларда таълим олишга қизиқишини оширади.

Мамлакатимизда “Обод қишлоқ” дастурининг ижроси айнан Манас қишлоғидан бошланиши ўзбек — қирғиз халқларининг кўздай яқин, жондай азиз ришталар билан бир-бирига боғлиқлиги, пайвасталиги намунаси сифатида юртимиз тарихи саҳифаларида муҳрланиб қолиши, шубҳасиз.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ЖАСОРАТИ

ОНА ЮРТГА МУҲАББАТ, САДОҚАТ, ОР-НОМУС ВА ШОН-ШАРАФ НАМУНАСИДИР

Бугун геосиёсий оламда миллатларнинг яшаб қолиши, ўзини намоён эта билиши тобора мураккаблашиб, муросасиз курашлар тусига кириб бормоқда. Бу кураш, асосан, ахборот майдонида кечаётгани янада ташвишланарлидир. Чунки бугун ҳамманинг қўлида хат-хабар ташувчи беминнат, тўсиқсиз мослама бор. Таассуфки, унда яхши ва ёмон маълумотларни ажратувчи маънавий фильтр ўрнатилмаган.

Нуқтаи назар

Шу боис мафкуравий қарама-қаршиликлар сони ортиб, ўртада қурбон бўлаётганлар қисмати бизни чуқур ўйга толдиради. Ахир хавф-хатар тобора яқин, тобора бу манзаралар одамни тезроқ муаммоларга ечим топишга даъват этади. Йўқса, глобал жамиятда кучлилар (уни кимлардир зўравонлар ҳам дейишади!) томонидан иқтисодий ва сиёсий экспанция ўз фаолиятини нафақат ҳарбий, молиявий соҳада, балки мафкуравий жабҳага ҳам кўчиради.

Ўтган аср бошида халқимиз кўрган: манфур босқинчиларнинг Туркистон заминида миллатларнинг индивидуаллигини йўқотиш, турли важлар (аёлларга гўёки ҳуқуқ бериш, тенглик, маданиятлар уйғунлиги ва ҳакозо) билан халқни парчалаш, урф-одатлари, тарихи, аждодлари мероси, тили ва динидан, эътиқодидан мосуво қилиш борасидаги ишлари жисмоний зуғумлардан кўра кўпроқ зарарли ва хатарли бўлган эди.

Ахборот урушлари давом этаркан, ҳамон кўзи оч йиртқичларнинг нафси қонмагани, тешик тоғораси тўлмагани ойдинлашади. Улар ҳамиша пайт пойлайди ва ёвуз ниятларини бир зум четга сурмай, оламга разолат уруғини сепишга тиришаверади. Табиийки, ҳеч бир уруш қурбонсиз бўлмайди, шунчаки унутилмайди. Аммо бу жангда мағлуб бўлмасликнинг ягона йўли — миллатни таниш, буюк боболар мақсадини унутмасликдир. Буни айни кез миллий ўзликни англаш, деб таърифлаяпмиз.

Мазкур сиёсий-маънавий заруратни қондиришда буюк боболаримиз намуналаридан, ибратидан фойдаланиш ҳамиша муҳим бўлган.

Яқинда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам мана шундай долзарб масалаларга алоҳида урғу берилди. Миллий армиямизни такомиллаштириш, унинг жанговар қобилияти, мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, кадрларнинг ҳарбий профессионаллик даражасини ошириш билан бир қаторда ҳарбийларнинг руҳий-маънавий тайёргарлиги, ватанпарварлик тарбияси масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳам айни жиҳатга эътибор берилиб, ҳарбий-жанговар салоҳият ва юксак маънавий қудрат Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айланиши зарурлиги таъкидланди. **Шонли тарихимиз, буюк аждодларимиз, енгилмас саркардаларимиз жасорати, уларнинг "Билаги зўр — бирни енгар, онги ва юраги зўр эса — мингни" деган доно ўгитлари бизга айнан мана шундай ҳаётий ҳақиқатни уқтириши** қайд этилди.

Дарҳақиқат, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Бобур каби улуғ жаҳонгирлар шахси, салоҳияти, жанговар руҳи, жанг тактикаларини дунё аҳли, эксперт ва мутахассислар алоҳида эътироф этади.

Жумладан, хоразмшоҳлар салтанатининг моҳир саркардаси Жалолиддин Мангуберди ҳаёти, ҳарбий фаолияти, жанг усуллари, руҳий олами, маънавий сарчашмалари ҳали-ҳамон кўплаб мамлакатларда ўрганилади. Кўплаб машҳур шоир-ёзувчилар унинг жасоратини қаламга олади, йирик кинокомпаниялар унинг қисматига доир ҳужжатлар асосида фильм олишга ишқибоз. Шундай экан, юртдоши, бевосита авлодлари сифатида уни биз янада кўпроқ ардоқлаймиз, қадрлаймиз. Бугун янги туғилган чақалоққа ҳавас ва ифтихор ила "Жалолиддин" дея исм қўяётган ота-ларнинг қалбида мардлик руҳи кезади, билингки, шу оилада яна битта Мангуберди улғаяди.

Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлиги, ҳарбий билимларни пухта эгаллагани, мардлиги ҳақида болалигимиздан эшитиб келамиз. Унинг мўғул босқинчиларига қарши мардона курашиб, ҳатто пайти келса, ёв қўлига тушиб, хору зор бўлмасин, дея энг яқин инсонларини адам водийсига гирифтор этгани, ўзи эса оти билан баланд жарликдан дарёга сакрагани тилларда достон.

Табиийки, унинг болалиги Хоразмшоҳ вориси бўлса-да, айш-ишрат ичида ўтмаган. Аксинча, хоразмшоҳлар салтанатида бошланган таназзул мусибатларини у эрта ёшдан қабул қилишга мажбур бўлган. Чунки ҳукмдор Алоуддин Муҳаммад хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун келини Ойчечакнинг фарзанди гарчи тахтга қонунан номуносиб бўлса-да, Мангубердини бу борада сафдан бутунлай олиб ташлашга бор вужуди ила киришганди. Натижада у ҳали камолга етмасиданоқ юзлаб фитналарга дучор бўлади. Умри сотқинлар, хоину каззоблар билан олишиш, содиқ дўст излаш ва ўзининг ҳақ эканини исботлаш, салтанатнинг пароканда бўлмаслиги учун курашиш билан ўтади. Шундай экан, у ўзининг энг ишончли ҳимоячиси, деб ҳарбий санъатни пухта эгаллашни тушунади. Боиси, шаҳзода ҳатто отаси унга бириктирган қўриқчиларга ҳам ишонмасди, ишонолмасди. Замон шундай хатарли эди. Пировардида ўз-ўзини ҳимоялашга мажбур эди.

Шу аснода у шайх Нажмиддин Кубро сингари улуғ пирлардан жанг стратегияларини синчковлик ила ўзлаштирди. Ҳаётнинг кутилмаган зарбаларига дош беришни, ҳеч қачон ёв олдида бош эгмаслик нелигини англади. Акс ҳолда, бировга умрида тан бермаган фотиҳ Чингизхон унга ҳавас ва алам билан тикилиб, ўз ўғилларига қарата: "Шундай битта ўғлим бўлганида дунёни эгаллаб олардим!", дея ўкинч ила сўзлагани ҳар қандай кишини ларзага соладир. Ваҳоланки, Чингизхоннинг не-не жангу жадалларда отасининг ёнида туриб, мислсиз ҳарбий салоҳиятини намоён этган Жўжи, Боту сингари фарзандлари бор эди. Бироқ у барчасидан Мангубердининг зўрлигини тан олади. Қаранг, биз ҳатто душманлари ҳам ҳавас қилган буюк аждодларнинг авлодимиз.

Президентимиз ифтихор ила айтганидек: **"Она юртга муҳаббат ва садоқат, ор-номус ва шон-шараф бобида унга тенг келадиган улуғ шахслар дунёда камдан-кам учрайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз".**

Юқорида таъкидлаганимиздек, башарият доим қаҳрамонларга интилади. Улар ҳақида кўпроқ билгиси, ҳаётини ўргангиси келаверади. Айнан шу зарурат ижодкорларга илҳом беради. Натижада саҳна асарлари, қўшиқ ва кинофильмлар, роману қиссалар дунёга келаверади. Аммо бундай асарларда кўпинча қайсидир давлатнинг ёки тузумнинг сиёсий тутуми, позицияси бирламчи ўринга чиқиб, тарихий ҳақиқатлар бузилади. Шахс ортиқча бўрттирилиб, у ҳаётида қилмаган ишларни "амалга ошириб ташлайди". Ёки аксинча — уни одамлар ёмон кўриб қолмасин, дея баъзи ишлари шунчаки "тушириб" қолдирилади. Эҳтимол, бадиий асарнинг талабларидан бири шундайдир, бироқ Мангуберди сингари ноёб сиймолар тийнатию сийрати ёритилганда, унинг қисматини қандайдир давр руҳига мослаш на адолат, на инсофга тўғри келади.

Шу маънода, бугун Мангубердининг тимсоли гавдалантирилаётган асарларда холислик ва ҳақиқат бош мезон бўлиши лозим. Улуғ саркарданинг феъли, ютуқ ва ҳатто камчиликлари ҳам томошабинга рўйирост етказилса, фильм янада таъсирчан, янада ҳаяжонли бўларди. Ўйлайманки, бу масалалар кинематографларимизни ҳам ўйлантиряпти, қийнаяпти. Айни чоғда, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижро этган "Мендирман ўшал" қўшиғи ва бу қўшиқдан илҳомланиб, ўзбек — турк кино ижодкорлари томонидан яратилган кўп қисмли "Мендирман Жалолиддин" фильми халқ қаҳрамонларини ҳақли равишда эътироф этишга очилган эшик бўлди, десак, ҳақиқатга яқин бўлади. Бу уринишлардан улгу олиб, ҳали қанча-қанча ўлмас асарлар яратилади. Президентимизнинг бу йўлдаги бугунги ислоҳотлари, айниқса, ёшлар сиёсати борасидаги олдга силжишлар кўнглимизда равшан умидлар уйғотади.

Аёнки, Мангубердининг бутун умри жангу жадаллар, қон-қирғин ичида кечган. Хоразмшоҳлар орасида Жалолиддинчалик душманларини аёвсиз маҳв этган саркарда йўқ. Уни душманга қарши курашдан ҳеч ким тўхтатолмаган, унинг олдига бу борада тўсиқ топишолмаган. Чунки у ҳамиша тийрак ақл, нозик фаҳму фаросат билан ҳаракатланган. Камгаплиги, теран мулоҳаза юритиши салобатига салобат қўшган. Айтган ишини, албатта, амалга оширган, ваъдасида турган, ҳатто унга ўлим хавфини келтириши мумкин бўлган аҳдлашувига ҳам собит бўлган, асло бузмаган.

Бугун мамлакатимиз мудофаа тизимида хизмат қилаётган йигитларимиз учун Мангубердининг фаолияти тайёр китоб, энг яхши қўлланмалардан биттаси. Агар бугунги йигитларимиз ҳарбий оламда бир йил, ҳарбийликни касб қилганлар ўн беш — йигирма йил ишлаётган бўлса, Жалолиддиннинг бешиги ҳам, қабри ҳам ҳарб дунёсида бўлган. Инчунин, ҳарбийларнинг руҳий-маънавий тайёргарлигини оширишда улуғ бобомизнинг меросидан фойдаланиш, унинг тажрибалари ва ютуқларини ўрганиш бурчимиздир.

Урушлар — бутун инсоният нафратланадиган аянчли воқелик. Ҳеч бир иймонли инсон урушни ёқламайди. Ҳеч бир мард юртига кимлардир бостириб келишини истамайди... Бироқ дунё ҳамиша нотугал, ҳамиша нотинч ва таҳлика ичида яшайди. Ахир хотиржамликка Мангуберди интилмаганми? Хоразмшоҳнинг фарзанди — султон Жалолиддин тинч ва осуда оиласи қуршовида яшашни истамаганми? Ахир у катта мулк эгаси, бутун бошли салтанатнинг ҳақиқий вориси эди-ку!

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Шу боис она Ватанни қўриқлаш, яқинларимизнинг хавфсизлиги учун ҳамиша хушёру сергак туришимиз, сарҳадларимизни қашқирлардан ҳимоя қилишимиз ҳар бир сониянинг талабидир. Бугун ҳеч биримиз урушлардан, жангу жадаллардан, ғанимларнинг турфа найрангларидан холи эмаслигимизни унутмаслигимиз лозим. Ҳазрат Навоийнинг *"Агар огоҳсен, шоҳсен сен..."* деган буюк сатрлари ҳар биримизнинг шиоримизга айланмоғи даркор. Жумладан, болаларимиз учун ҳам!

Бугун, афсуски, жуда кўплаб оилаларда мақсад майдалашиб, фикрлар уй қурищдан машина олишгача торайиб кетган. Уй-хаёлимизни моддият буткул эгаллаб олди. Навқирон йигитларимиз умрининг энг қирчиллама дамларини бой бериб, меҳнат билан топган-тутганига машина олиш, уйини қайта таъмирлашу бир кунлик данғиллама тўй қилиб, шунчаки кўкка совуриш билан овора бўлмаслиги керак. Уларнинг қалбида боғчаданоқ инсоний фазилатларни шакллантириб, мактабда қаттиққўллик билан (қаттиққўллик зўравонлик эмас!) ота-онага, устозларга, оиласига, туғилиб ўсган ерига, асосийси, она Ватанига бўлган битмас-туганмас мустаҳкам меҳрни уйғотишимиз шарт! Фарзандларимиз илмда етук, мардликда буюк боболаримиз соҳибқирон Амир Темур, Султон Жалолиддин каби мард-жасур, ўз мақсадидан қайтмайдиган бўлишини мактабданоқ назоратга олиш даркор. Мактабни тамомлаб бўлгач югур-югурлар шунчаки довдираш, навбатдаги беҳуда вақт кетказиш, холос. Инсоннинг келажак пойдевори айнан мактабда қурилади. Агар пойдевор мустаҳкам бўлса, уни бирор ёвуз куч бузолмайди.

Фарзандлар таълим-тарбияси — ҳаётмамот масаласи. Давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йил бежиз "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб номланмади. Ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз мутасаддиларга таълим сифатини оширишни қатъий талаб қилиб қўйган. Зеро, навқирон авлодда мардлик, жасорат, меҳр-муҳаббат, садоқат каби эътиқодий тушунчалар, шубҳасиз, илм-маърифат орқали шаклланади. Илмсиз одам қўрқоқ, разил, хоин, иккиюзламачи бўлади, десалар, ишонинг. Аждодлар меросини ўрганмай, шунчаки уларнинг номлари билан мақтаниб, ҳеч нарсага эришолмаймиз. Уларга муносиблик — энг муҳим мезон.

Ҳолбуки, ҳозирги шиддатли геосиёсий қарама-қаршиликлар шароитида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахборот хавфсизлиги ва бошқа соҳаларда кескин муаммолар пайдо бўлмоқда. Халқаро вазият тобора мураккаблашиб, хавфсизликка нисбатан хавф-хатар ва таҳдидлар кучайиб бормоқда. Бундай қалтис замонда энг катта бойлигимиз бўлган тинч ҳаётни асраш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш энг долзарб вазифадир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **биз ҳар қандай вазиятда ҳам Ўзбекистоннинг давлат суверенитети, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашимиз шарт. Бу бизнинг тарих ва келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз ва мажбуриятимиздир.**

Ҳар қандай вазиятда барчамиз Ватан учун бирлашишимиз, бир мушт бўлиб балою қазоларни даф этишимиз керак. Кези келганда айтиш жоизки, бугунги аномал деб номланаётган совуқларда халқимизнинг жипслиги, оқилу одиллиги, ватанпарварлиги яна бир карра синовдан ўтяпти. Кимнинг кимлиги янаям аён бўлмоқда. Шундай паллаларда ҳам инсонларнинг дарду ғамини тингламаслик, англамаслик — баъзи мутасаддиларнинг зиммасидаги масъулиятни ҳис қилмаслигини, эл-юрт учун янада жон куйдирмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

Мангуберди юрагида яшаган, алангаланган муҳаббат ва қасос руҳи уни абадият каҳкашонига муҳрлади. Шукрки, бугун бизга фақат муҳаббат эш, қасосдан холимиз. Болаларимиз ҳавас ва меҳр нури ила улғаймоқда. Биз уларга буюк боболаримиз ким эканини ҳамиша таништириб боришимиз шарт. Токи, улар эга-кесими йўқ, тайин-тутуриғи бўлмаган қандайдир нотавонларнинг эмас, балки башарият тарихига икки Ренессансни тақдим этган, бугун дунё илм-фанини тебратаётган бетимсол фанларни яратган буюкларнинг издошлари, авлодлари эканини қалбан, ақлан ва илм билан ҳис этсинлар! Уларнинг бир елкасида Мангуберди, бир елкасида Амир Темурдек забардаст Ватан ўғлонлари жасорати қанот бўлиб турганини сезсинлар! Шундагина биз учинчи Ренессансга пойдевор қўямиз, асос соламиз. Шундагина биз янги Ўзбекистон байроғи остида улуғ боболаримиз, маърифатпарвар жадидларимиз орзусидаги муҳташам миллатга айланамиз!

Ботир ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари.

Сенатор ва ҳаёт

Фуқароларнинг мурожаатлари жойида ҳал этилди

Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси Г. Маъруфова фуқаролар қабулини ўтказди.

Унда юртимизнинг турли ҳудудларидан, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган 31 нафар фуқаро иштирок этди.

Мурожаатларнинг асосий қисми моддий ёрдам олиш, уй-жой билан таъминлаш, тиббий кўмак, алимент тўлови, оилавий келишмовчилик, прокуратура ва суд-ҳуқуқ тизимига оид масалалар бўлиб, уларнинг барчаси сенатор томонидан ўрганиб чиқилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мурожаатлар турли соҳа ва тармоқлар билан боғлиқ бўлгани боис тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари қабулга жалб қилинди. Натижада, фуқароларнинг мурожаатлари жойида ҳал этилди, ўрганиш талаб қилинадиган мурожаатлар назоратга олиниб, тегишли ташкилотларга йўналтирилди.

«Халқ сўзи».

Инвестиция

Кимёвий ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқарилади

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалиётга татбиқ этилиши истеъмол бозорига янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар кириб келишида муҳим омил бўлмоқда.

Самарқанд шаҳридаги "Щёлково Агрохим-Уз" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида ўсимликларни ҳимоя қилиш учун йилига 20 минг тоннадан зиёд импорт ўрнини босувчи кимёвий воситалар ишлаб чиқарилиб, ички бозордан ортганини экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда.

Айни кунларда энг сўнгги ускуна ва робототехника жиҳозлари ўрнатилаётган ушбу корхонани барпо этиш учун 20 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилинди. Эътиборли жиҳати, корхонада кимёвий воситалар ишлаб чиқаришда, асосан, компьютер технологияси ва роботлар хизматидан фойдаланилади. Мавжуд цехларда ишлаб чиқариш жараёни роботлар орқали бошқарилиб, уларга икки нафар ишчи бириктирилади холос.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ишга тушиши кутилаётган корхона томонидан йилига 30 турдан ортиқ 10 — 15 минг тонна кимёвий воситалар тайёрланади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз агросаноат тизимида мазкур турдаги ҳимоя воситаларига эҳтиёж, асосан, чет давлатлардан импорт қилинадиган маҳсулотлар ҳисобига қопланар эди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ғамхўрлик

Тез ёрдам бўлимларига «Volkswagen Caddy» машиналари топширилди

Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Акмалжон Маҳмудалиев Президент совғаси сифатида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали ҳамда унинг 8 та туман бўлимларига Жиззах автомобиль заводида ишлаб чиқарилган "Volkswagen Caddy" тез тиббий ёрдам машиналарини топширди.

— Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш замонавий тиббиётнинг муҳим йўналиши саналади, — дейди Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Олимжон Бекмуродов. — Ўтган йили 5 май куни тез тиббий ва шошилинч ёрдам фаолиятини такомиллаштириш бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан ушбу тизим ишини яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, тизимдаги "Дамас" ва бошқа эскирган машиналар ўрнини янги, замонавий, барча қулайликка эга бўлган машиналарга алмаштириш вазифалари белгилаб берилган эди. Бугун 8 та туман тез тиббий ёрдам бўлимларига сўнгги авлод машиналарнинг топширилиши ана шу вазифалар ижросининг яна бир натижасидир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ТИББИЁТ СОҲАСИДА ҲАЛИ ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ИШЛАР КЎП

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш юртимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Натижада тиббиёт тизимида ижобий ўзгаришлар кузатилаётир.

Фикр

Тўғриси, бир пайтлар кўплаб юртдошларимиз даво истаб чет элларга боришга мажбур эди. Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган изчил ислоҳотлар ҳамда яратилган имкониятлар туфайли бундай мураккаб, қиммат операцияларнинг аксарияти мамлакатимизда амалга оширилмоқда. Ва бунга мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аммо халқимизнинг бирламчи тизим бўйича талабини қондириш учун бунинг ўзи етарли эмас ва ушбу йўналишда ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам кўп. Сабаби, бугунги давр соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш, бу борадаги ишларни аҳоли ва кенг жамоатчиликка етказишнинг шаффоф механизмини яратиш юзасидан тиббиёт тизими раҳбарларининг жамоатчилик олдида мунтазам ҳисоботларини эшитиш ҳамда муҳокамадан ўтказиб бориш тартибини жорий қилишни тақозо этмоқда.

Қуйи палатанинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тиббиёт тизими раҳбарларининг жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида айни шу масалалар ўз ифодасини топаётгани эътиборга молик.

Мазкур ҳужжатда халқ депутатлари Кенгаши Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиши, соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ҳар ярим йиллик якунлари бўйича тегишли халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳисобот тақдим этиб бориши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга ҳам ўзгартишлар киритилиб, фуқаролар йиғини тегишли туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларнинг, оилавий шифокор пунктлари раҳбарларининг профилактик кўриклар ва скрининг дастурларини амалга ошириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишни шакллантириш ҳолати, ижтимоий аҳамиятга молик ва атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар тарқалиши, фуқаролар соғлиғига таъсир этувчи омиллар, шу жумладан, ҳудуднинг санитария-эпидемиология ҳолати тўғрисида ахборотларини эшитиши белгиланяпти.

Аниқроқ айтганда, қонун лойиҳаси билан туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалари ҳамда оилавий шифокор пунктлари мудирлари маҳалла фуқаролар йиғинида, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари халқ депутатлари вилоят Кенгашида ҳисобот беради.

Умуман, ушбу қонун лойиҳаси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш ҳолати, мавжуд муаммоларнинг тизимли муҳокамасини олиб бориш, масалалар ечимини топиш юзасидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни таъминлайди.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Наманган давлат университети жамоаси университет ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Собитхон Турғуновга онаси

Озодахон ТУРҒУНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 141. 20 214 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6